



Марказий Осиёда сув ресурсларини бошқаришда гендер омилларини ҳисобга олиш

—
Сув хўжалиги тармоғи ходимлари
учун амалий қўлланма

Ушбу нашр Финляндия ҳукуматининг молиявий кўмагида “Аёллар, сув ресурсларини бошқариш ва низоларнинг олдини олиш” лойиҳасининг иккинчи босқичи доирасида тайёрланган.

© 2020 Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХХТ)

Лойиҳа ЕХХТнинг Иқтисодий ва атроф-муҳит бўйича координатори идораси томонидан ЕХХТнинг гендер масалалари бўлими билан ҳамкорликда бошқарилади.

Ташкилий ёрдам, лойиҳани бошқариш бўйича ёрдам ва умумий раҳбарлик:

Сауле Оспанова, Соғол Джфарзаде, Джулия Секи ва Абдулваххоби Муминджониён

Материалларни тайёрлаш ва тадқиқот ишлари:

Хуана Вера Делгадо ва Нозила Мухамедова

Рус тилига таржима:

Марина Денисова

Мухаррир:

Джефф Хьюз, "Зой" экологик тизими

Дизайн ва компьютерда қайта ишлаш:

Каролин Даниэль, "Зой" экологик тизими

Билдирилган фикрлар ЕХХТнинг расмий қарашларини акс эттирмайди. Нашрда фойдаланилган материалнинг белгилари ва тақдироти ташкилот томонидан бирон-бир давлат, ҳудудлар, шаҳарлар, вилоятлар ёки уларнинг ҳокимият органларининг ҳуқуқий мақоми, шунингдек, уларнинг чегараларини белгилаш бўйича ҳар қандай фикр билдиришни англатмайди.

Ушбу нашрнинг дастлабки кўриниши 2019-йил ноябр ойида Ўзбекистонда инструкторлар тайёрлаш семинари иштирокчиларига тақдим этилган эди: Ушбу якуний ҳисоботни тайёрлашда унинг Марказий Осиёдаги иштирокчиларининг тажрибаси ва ғояларидан фойдаланилди. Ушбу тадбирга мезбонлик қилган ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори офисига миннатдорчилик билдирамыз.

Шунингдек, ушбу нашрни тайёрлашга ҳисса қўшган ЕХХТнинг Иқтисодий ва атроф-муҳит бўйича координатори бўлими, ЕХХТнинг гендер масалалари бўлими, ЕХХТ Бош котиби дивонининг Ахборот ва ОАВ билан алоқалар бўлими, ЕХХТ Низоларнинг олдини олиш марказининг Марказий Осиё бўлими, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси лойиҳалари Координатори ва ЕХХТдаги Финляндия делегациясидаги ҳамкасбларимизга ҳам ўз миннатдорчилигимизни билдирамыз.

Мундарижа

Кириш 4

- 5-бет Гендер масалалари ва инсон ҳуқуқлари
- 6-бет Гендер омилларини ҳисобга олиш асослари
- 6-бет Гендер масалалари ва атроф-муҳит
- 7-бет Сув ресурсларини бошқариш ва гендер омиллари
- 7-бет Ўрта Осиёда сув ресурсларини бошқариш ва гендер омиллари

Ўрта Осиёда сув ресурсларини бошқариш 8

- 9-бет Сув ресурсларини рационал бошқариш тамойиллари
- 11-бет Фойдаланишнинг бошқа турлари ва иқлим ўзгариши
- 11-бет Трансчегаравий ресурслар
- 12-бет Кенг иштирок ва муҳокамаларга асосланган сув ресурсларини бошқариш

Ташкилий масалалар 14

- 15-бет Салоҳиятни ошириш
- 17-бет Бюджетни шакллантириш
- 19-бет Кадрларни танлаш

Ташкилотлар ишида гендер масалаларини эътиборга олиш 20

- 22-бет Умумий таҳлил
- 23-бет **1-босқич.** Ташкилотнинг гендер масалалари бўйича фаолиятини таҳлил қилиш
- 25-бет **2-босқич.** Ташкилотнинг гендер омилларини эътиборга олиш бўйича мажбуриятларининг аниқ концепциясини шакллантириш
- 26-бет **3-босқич.** Гендер масалалари бўйича ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш
- 28-бет **4-босқич.** Кўрсаткичлар тўғрисида ишлаб чиқиш
- 30-бет **5-босқич.** Бюджет ва ҳисобот тизимини яратиш

Қисқартмалар 31

Адабиёт 32

Илова. Ташкилот ишининг гендер жиҳатларини таҳлил қилиш учун материаллар 33

Кириш



Тоҷикистон
Ариқ ёқасидаги аёл
© Peter van Agtmael/Magnum Photos

Марказий Осиёнинг бешта давлати – Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистонда, шунингдек, умуман минтақада сув ресурсларини бошқаришда жиддий муаммолар кўзга ташланмоқда.



Бу мамлакатларда аҳоли сонининг кўпайиши ва иқтисодий ривожланиши билан бирга сувга бўлган эҳтиёж – нафақат ичимлик ва маиший эҳтиёжлар, балки саноат, деҳқончилик ва гидро-энергетика соҳаларидаги бўлган эҳтиёж ҳам ортиб бормоқда. Сув ресурслари миқдорида иқлим ўзгариши таъсир кўрсатиб, бу эса ўз навбатида ҳароратнинг ошишига, ёғингарчиликларнинг камайишига ва музликларнинг эришига, ва буларнинг натижасида сув таъминоти ёки ундан фойдаланиш вақтининг қисқаришига олиб келиши мумкин. Бўронлар, қурғоқчилик ва бошқа экстремал об-ҳаво ҳодисалари сув захиралари ҳажмини ўзгартириши ҳам ва сув ресурсларига бўлган талабни ошириши ҳам мумкин.

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХХТ) сув ресурсларини комплекс бошқариш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш, сувдан фойдаланувчилар уюшмалари ва дарёлар ҳавзаси кенгашларини қўллаб-қувватлаш ҳамда фуқаролик жамияти вакилларини жалб қилиш орқали сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга ёрдам беради. Халқаро ташкилотлар, миллий ҳукуматлар ва фуқаролик жамияти билан ҳамкорликда фаолият юритаётган ЕХХТ қўллаб соҳаларда атроф-муҳит ва хавфсизлик масалаларини ҳал қилишда ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Ташкилот табиий ресурсларни, айниқса, сув ресурсларини алоҳида давлатлар томонидан ҳам, бир неча давлатлар томонидан ҳам барқарор асосда бошқаришни биргаликда таъминлашга, табиий офатлар хавфини камайтиришга, иқлим ўзгариши ва хавфли чиқиндиларни хавфсиз бошқариш муаммоларини ҳал қилишга қаратилган лойиҳалар ва тадбирларни қўллаб-қувватлайди.

ЕХХТ ўзининг барча дастурларида, шунингдек, ЕХХТга аъзо давлатлар ҳукуматларига техник ёрдам кўрсатишда гендер масалаларига асосий эътибор қаратади. ЕХХТ минтақадаги сув ҳўжалиги ходимларига ёрдам бериш мақсадида Марказий Осиёда сув ресурсларини бошқаришда гендер тамойилларини жорий этиш бўйича ушбу қўлланмани ишлаб чиқди. Сув ресурсларини бошқаришда гендер тамойилларини ҳисобга олиш амалга оширилаётган фаолият самарадорлигини ошириш ва ижтимоий номутаносиблик ва кескинликни камайтириш орқали барқарорлик ва хавфсизлик чораларини амалга оширишга ёрдам беради. Аёллар ва эркакларнинг тенг равишдаги иштироки асосда сувдан қандай фойдаланиш бўйича қарорлар қабул қилиниши асосан маълум гуруҳлар эҳтиёжларига қаратилган бўлиб, бутун аҳолининг эҳтиёжларига яхшироқ жавоб беради.

Гендер масалалари ва инсон ҳуқуқлари

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси ҳужжатларида таъкидланишича, гендер тенглиги масалалари инсон ҳуқуқлари ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қадриятларининг марказида туради. 1945-йилда жаҳоннинг етакчи мамлакатлари томонидан қабул қилинган БМТ Низомининг асосий тамойили “эркаклар ва хотин-қизларнинг тенгҳуқуқлигини” кўзда тутиб, барча давлатлар хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлашга масъулдир”.¹ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаши гендер масалаларига эркаклар ва хотин-қизларнинг эҳтиёжлари ва тажрибасини сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий сиёсат ва дастурларга тенг равишда хотин-қизлар ва эркаклар манфаати учун бирлаштириш усули сифатида қарайди ва унинг якуний мақсади хотин-қизлар ва эркаклар ўртасида тенгликка эришишдир.²

"БМТ - Аёллар" - Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аёлларнинг тенглиги ва имкониятларини кенгайтиришга масалалари билан шуғулланувчи тузилмаси ушбу ғояга асосланади ва унинг мақсадини оммалаштиради.

Эркаклар ва хотин-қизлар ўртасидаги тенгҳуқуқликнинг ўзи умумий ва узоқ муддатли ривожланиш мақсади бўлиб, гендер масалаларини эътиборга олиш эса бунга эришиш учун мўлжалланган ўзига хос, стратегик йўналтирилган усуллар, шунингдек, техник ва ташкилий-маъмурий жараёнлар йиғиндисидир. Гендер тенглиги масалаларини эътиборга олиш давлат ва хусусий ташкилотларда мамлакат даражасида, марказий ва маҳаллий дастурларда, шунингдек, тегишли хизматлар ва тармоқ дастурларида асосий йўналиш сифатида белгиланишини таъминлайди. Узоқ муддатли истиқболда унинг асосий мақсади аёлларнинг мулк ҳуқуқи ёки жамоат объектларидан фойдаланиш ҳуқуқларини чекловчи қонунлар, маданий меъёрлар ва маҳаллий урф-одатларни ўзгартиришдир.³

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизими ва халқаро ҳамжамият томонидан хотин-қизларнинг ҳуқуқларини илгари суриш ёндашуви сифатида гендер омилларини эътиборга олиш Бирлашган Миллатлар Ташкилоти содиқ бўлган кенг қамровли инсон ҳуқуқлари тамойилларининг бир қисми сифатида танланган. Эркак ва хотин-қизлар тенгҳуқуқлиги - бу мақсад, гендер омилларини эътиборга олиш эса жараёндир.⁴

¹ ИХОКБ, Хотин-қизларнинг инсоний ҳуқуқлари ва гендер тенглиги

² БМТ Аёллар, Қўлланма: Ривожланишни Дастурлашда Гендер масалалари (Нью-Йорк, 2014 йил)

³ Ўша ерда

⁴ ЮНИСЕФ, Гендер тенглиги: атамалар ва тушунчалар луғати. (ЮНИСЕФнинг Жанубий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси, 2017 йил), 4-бет

Гендер омилларини эътиборга олишни асослаш

Амалий маънода, гендер тамойилларини жорий этиш тегишли гуруҳлардаги барча одамларнинг эҳтиёжларини қондириш ва тенгсизликларнинг сақланиб қолишини олдини олиш орқали сиёсат ишлаб чиқиш ва лойиҳаларни бошқаришни такомиллаштиради. Гендер масалаларини ҳисобга олиш, шунингдек, тенгсизликларни аниқлаш учун амалий ҳолатни таҳлил қилишни, сўнгра тенгсизликлар ва уларга олиб келган механизмларни ҳал қилиш мақсадида жавоб чораларни ишлаб чиқишни ўз ичига олади.⁵ Бундан ташқари, халқаро молиявий донорлар ва бошқа ташкилотлар ўзларининг кундалик фаолиятида гендер масалаларига эътибор қаратувчи ташкилотларга кўпроқ ёрдам кўрсатадилар.

Гендер масалаларидаги кўрлик – бу муайян ижтимоий, маданий, иқтисодий ва сиёсий вазиятларда аёллар ва / ёки қизлар, эркеклар ва / ёки ўғил болаларга юкланган ёки белгиланган рол ва масъулиятни тан олмасликдир.⁶

Гендер-нейтрал ҳужжатлар, дастурлар ёки вазиятлар хотин-қизлар ва эркеклар ўртасидаги муносабатлар ёки тенглик нуқтаи назаридан аниқ ижобий ёки салбий оқибатларга олиб келмайди.⁷

Гендер масалаларини акс эттирувчи дастурлар ва ҳужжатларда тегишли меъёрлар, роллар ва тенгсизликлар кўриб чиқилади ва уларга эътибор қаратилади, аммо доимо ҳам амалий чоралар кўрилмайди.⁸

Гендер омилларини эътиборга олувчи дастурлар ва ҳужжатларда тегишли нормалар, роллар ва тенгсизликлар кўриб чиқилади ва уларни бартараф этиш учун фаол чоралар кўрилади. Бундай дастурлар эътиборни қаратиш ва одамларнинг хабардорлигини ошириш доираларидан ташқарига чиқиб, эркеклар ва хотин-қизлар ўртасидаги тенгсизликни бартараф этиш бўйича амалий чораларни кўради.⁹

Гендер масалалари ва атроф-муҳит

2016 йилда нашр этилган Глобал Гендер ва Атроф-муҳит истиқболида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Атроф-муҳит бўйича дастури гендер роллари аёллар ва эркекларнинг атроф-муҳитни турлича қабул қилишларига қандай таъсир қилишини тушунтиради.

Ижтимоий асосланган гендер роллари хотин-қизлар ва эркекларнинг атроф-муҳитга нисбатан ўзларини қандай тутиши ва улар қандай қилиб атроф-муҳит ўзгаришига таъсир қилишлари (ёки қила олмаслиги) бўйича фарқларни акс эттириб беради. Ҳатто нисбатан оддий саналган гендерга асосланган меҳнат тақсимооти ҳам уларнинг атроф-муҳитни қандай қабул қилишига таъсир қилиши мумкин. Агар очик денгизда фақат эркеклар, қирғоқ бўйидаги мангра ўсимлиги орасида фақат аёллар балиқ овласалар, улар муқаррар равишда фарқланувчи экологик билим ва тажрибага эга бўладилар. Ёки аксарият аёллар жамоат транспортдан фойдаланган бир вақтда кўпчилик эркеклар ишга машинада боришлари сабабли, улар атроф-муҳит ва ундаги ўзгаришларни турли нуқтаи назардан қабул қиладилар.

Атроф-муҳитга нисбатан уларнинг турлича ёндашуви хотин-қизлар ва эркеклар мутлақо бошқа экологик муаммолар ва хавф-хатарларга дуч келишини ва экологик муаммоларнинг жиддийлиги, зарур чора-тадбирлар, мослашиш усуллари ва ечимлар бўйича мутлақо фарқланувчан ғояларга эга эканлигини англатиши мумкин. Бундан ташқари, гендер ролларининг ижтимоий шаклланиши туфайли улар атроф-муҳитни тушуниш ва ўзгартириш билан боғлиқ бўлган турли имкониятлар ва усулларга эга бўлишлари мумкин.¹⁰

⁵ EIGE, Гендер масалаларини эътиборга олиш нима

⁶ EIGE, Гендер соҳасидаги кўрлик

⁷ EIGE, Гендер нейтрал

⁸ ЖССТ, Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ОИВ / ОИТС дастурларига гендер масалаларини киритиш: аёлларнинг эҳтиёжларига жавоб беришни такомиллаштириш воситаси. (ЖССТ матбуоти 2009 йил)

⁹ Ўша ернинг ўзида

¹⁰ ЮНЕП, Глобал гендер ва атроф-муҳит истиқболлари. (БМТ Атроф-муҳит, 2016 йил), 22-бет

Сув ресурсларини бошқариш ва гендер омиллари

Ҳар қандай чекланган ресурс устидаги рақобат можарога олиб келадиган кескинликни келтириб чиқариши мумкин бўлиб, бунда сув маҳаллий, миллий ва минтақавий хавфсизлик ва тинчлик учун муҳим бўлган стратегик ресурсдир. ЕХХТ сув ресурсларини бошқаришда гендер тамойилларини барқарорлик ва хавфсизликка қўшилган ҳисса сифатида кўриб, бундай ёндашув амалга ошириладиган чора-тадбирлар самарадорлигини оширишга ва ижтимоий номуаносиблик ва кескинликнинг пасайишига олиб келади. Ҳамкорлик асосидаги сув бошқаруви шаффофликни ошириб, коррупция ҳолатларини камайтириши мумкин.¹¹

"БМТ-Сув ресурслари" қўмитаси маълумотларига кўра, "гендер тамойилларини ҳисобга олиш жаҳон сув ресурсларини таъминлаш, улардан фойдаланиш ва сақлаш, шунингдек, тегишли санитария ва гигиена шароитларини яратиш орқали аҳоли саломатлиги ва инсон қадр-қимматини ҳимоя қилишнинг муҳим элементи. Хотин-қизларнинг сув ресурсларини бошқариш ва тегишли санитария ва гигиена талабларини таъминлашдаги марказий роли, айниқса ривожланаётган мамлакатларда ислохотларнинг барча даражаларида тобора кўпроқ эътироф этилмоқда."¹²

Марказий Осиёда сув ресурсларини бошқариш ва гендер омиллари

Марказий Осиёда сув ресурсларини бошқариш соҳасидаги вазият мураккаблигича қолмоқда. Аҳолининг ва иқтисодийнинг ўсиши билан сувга бўлган талаб ортиб боради ва сув захиралари ҳажми мавсум ва истеъмолга қараб ўзгариб туради. Экстремал об-ҳаво ҳодисалари частотаси ва интенсивлиги ортиб бормоқда. Трансчегаравий сув манбаларидан фойдаланадиган давлатлар қишлоқ хўжалиги ва энергетика ўртасидаги манфаатлар тўқнашувида бўлгани каби, сув ресурслари учун рақобатлашишга мажбур бўлмоқдалар. Тарихий жиҳатдан шаклланган моделлар бугунги кунда ўз долзарблигини йўқотган бўлиб, гидрологик циклдаги узилишлар сув ресурсларини режалаштириш ва фойдаланишда қатор муаммолар туғдиради. Ушбу барча ўзгаришлар фонида, сув учун рақобатнинг ҳар бир ҳолатида сувни бошқариш бўйича қабул қилинган қарорларнинг номуаносиб таъсири гендер тамойилларини ҳисобга олишни талаб қилади.

Кенг қўламли иштирок ва ҳамкорликка асосланган сув бошқаруви бир нечта фойдаланувчиларнинг ўзаро боғлиқ эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда секторлар даражасида гендер тамойилларини тарғиб қилиши мумкин. Барча даражадаги раҳбарлик ва қарор қабул қилувчи органларга хотин-қизлар ва эркакларни жалб қилиш сувни бошқаришни оптимallasштиради ва лойиҳа самарадорлигини, шунингдек, экологик, ижтимоий ва иқтисодий барқарорликка эришиш эҳтимолини оширади.



Яққол мисол - Сувдан фойдаланувчилар уюшмалари

Жилдиз Усмонова - Марказий Осиё сув альянснинг гендер масалалари бўйича эксперти. У 633та сувдан фойдаланувчилар уюшмаларининг ярмидан кўпида эркаклар ва хотин-қизлар тенг вакилликка эга бўлган Қирғизистон тажрибаси билан ўртоқлашди.

“Кенгашда фақат эркаклар бўлган тақдирда, улар ҳар доим ҳам оиланинг эҳтиёжларини ҳисобга олмайдилар. Хотин-қизлар уй хўжаликларининг сувга бўлган эҳтиёж ҳақида кўпроқ маълумотга эгалар ва улар сувни ташиш учун кўп вақт ва куч сарфламаслик учун қувурни қаерга ётқизишни аниқ биладилар.”¹³

¹¹ ЕХХТ, Хотин-қизлар, сув ва хавфсизлик. (Экологик фаолият, Гендер тенглиги, 2015 йил)

¹² БМТ-Сув, сув ва санитария бўйича гендер бўйича ажратилган маълумотлари: Экспертлар гуруҳи йиғилиши ҳисоботи. (Бирлашган Миллатлар Ташкилоти-Сув ўн йиллик салоҳиятини ривожлантириш дастури, 2009 йил), 4-бет

¹³ ЕХХТ, Хотин-қизлар, сув ва хавфсизлик. (Экологик фаолият, Гендер тенглиги, 2015 йил)

Марказий Осиёда сув ресурсларини бошқариш



Қозоғистон, Жетисай

Жетисайдаги суғориладиган далалар - Қозоғистоннинг энг асосий пахта етиштириш майдони

© Carolyn Drake/Magnum Photos

Марказий Осиё мамлакатлари умумий сув ресурслари ва уларни бошқаришнинг умумий тарихи орқали ўзаро боғланган. Ҳозирги вақтда мамлакатлар ва минтақа олдида сувга бўлган талаб ортиб бораётган бир шароитда турли истеъмолчилар ўртасидаги мувозанатни таъминлаш вазифаси долзарб бўлиб турибди.

Сув ресурсларини оқилона бошқариш тамойиллари

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ) томонидан сув ресурсларини бошқаришда самарадорлик, маҳсулдорлик, ишонч ва иштирокни оширишга қаратилган 12 тамойил ишлаб чиқилди.

1. Сув сиёсатини ишлаб чиқиш, амалга ошириш, оператив бошқариш ва тартибга солиш учун рол ва масъулиятни аниқ белгилаш ва чегаралаш, шунингдек, масъул органлар ўртасидаги мувофиқлаштиришда қўллаб-қувватлаш.
2. Маҳаллий шароитларни акс эттирувчи ва турли даражалар ўртасидаги мувофиқлаштиришни рағбатлантирадиган интеграциялашган ҳавзаларни бошқариш тизимлари доирасида сув ресурсларини тегишли даража(лар)да бошқариш.
3. Секторлараро самарали мувофиқлаштириш, айниқса, сув ва атроф-муҳит, соғлиқни сақлаш, энергетика, қишлоқ хўжалиги, саноат, ҳудудий режалаштириш ва ердан фойдаланиш сиёсати ўртасида сиёсат уйғунлигини рағбатлантириш.
4. Масъул органлар ходимларининг тайёргарлик даражасини ечим топилиши зарур бўлган сув муаммоларининг мураккаблигига, шунингдек, уларнинг ўз вазифаларини бажариши учун зарур бўлган касбий билим ва кўникмалар тўпламига мослаштириш.
5. Сув ресурсларини бошқариш сиёсатини баҳолаш ва такомиллаштириш учун сув ресурслари бўйича ўз вақтида, изчил, таққосланадиган ва тегишли маълумотларни шакллантириш, янгилаш, алмашиш ва фойдаланиш.
6. Бошқарув механизмларидан молиявий имкониятларни сув хўжалиги эҳтиёжларига йўналтиришда фойдаланиш ва молиявий ресурсларни самарали, шаффоф ва ўз вақтида тақсимлашни таъминлаш;
7. Жамият манфаатларини қўзлаб сув ресурсларини бошқариш бўйича мустаҳкам меъёрий-ҳуқуқий базани самарали жорий этиш ва уларга риоя қилишни таъминлаш.
8. Барча масъул органларда, барча даражадаги бошқарув муассасаларида ва унинг иштирокчилари орасида сув ресурсларини бошқаришнинг янги усуллари жорий этиш ва амалга оширишни рағбатлантириш.
9. Қарорлар қабул қилишда масъулият ва ишончни ошириш учун сув хўжалиги сиёсати, сув институтлари ва сув хўжалиги тузилмаларида яхлитлик ва шаффофликни таъминлаш.
10. Барча манфаатдор томонларни сув сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ўйланган ва натижага йўналтирилган тарзда иштирок этишга ундаш.
11. Сувдан фойдаланувчилар, қишлоқ ва шаҳарлар ва турли авлодлар ўртасида ўзаро келишувга эришишга ёрдам берадиган сувни бошқариш механизмларини ишлаб чиқишни рағбатлантириш.
12. Зарур ҳолларда сув сиёсати ва бошқарувини мунтазам мониторинг қилиш ва баҳолашни рағбатлантириш; натижаларни жамоатчиликка етказиш ва керак бўлганда уларга тузатишлар киритиш.¹⁴

¹⁴ Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг сувни бошқариш тамойиллари (Тадбиркорлик, кичик ва ўрта корхоналар, ҳудудлар ва шаҳарлар маркази, 2015 йил), 12-бет

Сув ресурсларини тўғри бошқариш тамойиллари умуман олганда самарали бошқарув тамойилларидан келиб чиққан бўлиб, тенглик, самарадорлик, марказсизлаштириш, интеграция, шаффофлик ва жавобгарлик тушунчалари асосида шаклланади. Ушбу тамойиллар, шунингдек, сув ресурсларидан рационал фойдаланиш бўйича тармоқлараро концепциясига асосланган сув ресурсларини комплекс бошқариш (СРКБ) механизмларида ҳам ўз аксини топган.

Сув ресурслари соҳасидаги глобал ҳамкорлик (СГХ) маълумотларига кўра, СРКБни ҳаётга фойдаланиш "ҳаётий экологик тизимларнинг барқарорлигига путур етказмаган ҳолда, иқтисодий ва ижтимоий фаровонликни самарали равишда таъминлаш орқали сув, ер ва теги-

шли ресурсларни мувофиқлаштирилган ривожлантириш ва бошқаришга" ёрдам беради¹⁵.

1992-йилги Рио-де-Жанейродаги саммит олдидан тайёрланган Сув ва барқарор ривожланиш бўйича Дублин баёнотида сув ресурсларини бошқаришда йўналтирилиши лозим бўлган тамойиллар белгиланган. Глобал ҳамкорлик ушбу тамойилларни қуйидаги тарзда умумлаштиради:

"Сув ресурсларини комплекс бошқариш сув ресурсларини адолатли ва самарали бошқариш ва улардан барқарор асосда фойдаланиш тамойилларига асосланади ҳамда сув экотизимнинг ажралмас қисми, табиий ресурс ва ижтимоий-иқтисодий воситаси, ҳамда унинг миқдори ва сифати уни қўллаш хусусиятини белгилашини эътироф этади".

Амалий мисол - Фарғона водийси



Танқис сув ресурслари учун рақобат халқаро можароларнинг потенциал манбаи сифатида тан олинган. Бироқ, алоҳида давлатлар ва халқаро тизим бу хавф билан курашишни ўрганди.¹⁶

Фарғона водийсида СРКБ ушбу хавфни камайтириш ва сув ресурсларини бошқариш самарадорлигини ошириш усулларида бириктирилади. Тизим қуйи даражаларда (магистрал канал, сувдан фойдаланувчилар ва фермерлар уюшмалари) муваффақиятли жорий этилди ва қуйида муҳокама қилинадиган даражалар ўртасида алоқаларни ўрнатиш имконини берди. Қарорлар қабул қилишда сувдан фойдаланувчиларнинг фаол иштироки сув йўқотилиш даражасини камайтириш, унинг таъминотини назорат қилиш ва барча якуний фойдаланувчилар ўртасида сув тақсими амалиётини такомиллаштиришга ёрдам берди.

Фарғона водийсидаги СРКБ сув хўжалиги охириги фойдаланувчилар ва колхоз ва совхозларнинг собиқ ички тармоғидан тортиб магистрал каналлар ва ундан кейин кичик дарёларнинг трансчегаравий ҳавзаларигача бўлган тузилмасининг бир неча даражаларини ўз ичига олган ёндашувга асосланади. Гидрографик тамойилга мувофиқ турли даражадаги сув хўжалиги институтлари ташкил этилган бўлиб, улар сув таъминоти тизимларини маъмурий эмас, балки гидрологик чегаралар ичида бошқаришга имкон беради.¹⁷

¹⁵ GWP, Марказий Осиёда сув ресурсларини комплекс бошқариш: йирик трансчегаравий дарёларни бошқариш муаммолари (Глобал сув соҳасидаги ҳамкорлик, 2014 йил), 2-бет

¹⁶ ЮНЕП, БМТ, ЕХҲТ, НАТО, Атроф-муҳит ва хавфсизлик: хавфларни ҳамкорликка айлантириш. (UNEP, UNDP, OSCE, NATO, 2005), 11-бет

¹⁷ GWP, Марказий Осиёда сув ресурсларини комплекс бошқариш: йирик трансчегаравий дарёларни бошқариш муаммолари (Глобал сув соҳасидаги ҳамкорлик, 2014 йил), 17-бет

Бошқа мақсадларда фойдаланиш ва иқлим ўзгариши

Марказий Осиёда сув ресурсларини бошқариш энергетика, қишлоқ хўжалиги, саноат, туризм ва бошқа тармоқларнинг ўзаро эҳтиёжлари ҳамда муниципалитетларнинг ва яқка тартибдаги фермер хўжаликларининг ичимлик сувига бўлган эҳтиёж ва талаблар ўртасидаги мувозанатни ҳамда санитария-гигиена шароитларини таъминлашни ўз ичига олади. Ушбу эҳтиёжларнинг баъзилари одатда йил давомида доимий, бошқалари эса мавсумий хусусиятга эга. Турли истеъмолчилар орасида сувга бўлган талаб ортиб бориш билан бирга, сув хўжалиги корхоналари раҳбарлари бугунги кунда иқлим ўзгариши туфайли юзага келган сув таъминоти узилишлари шароитида ишлашга мажбур бўлмоқдалар. Ҳароратнинг кўтарилиши, ёғингарчиликлар даврийлигининг ўзгариши ва музликларнинг эриши - буларнинг барчаси сув ресурсларига босимни оширади ва сув соҳасида кундалик ва йиллик режалаштиришда қўшимча эътиборни талаб қилади.

Трансчегаравий ресурслар

Трансчегаравий ресурсларни бошқариш мамлакатлар ва жамоалар ўртасидаги муносабатларни яхшилаши ва минтақа хавфсизлиги, фаровонлиги ва атроф-муҳит муҳофазасига ҳисса қўшиши мумкин.

Собиқ совет давлати парчаланганидан сўнг Ўрта Осиё мамлакатлари Орол денгизи ҳавзасида трансчегаравий сув ресурсларини биргаликда бошқариш соҳасида ҳамкорликни мувофиқлаштириш ва мустақамлаш учун ижро ҳокимияти органлари бўлган сув хўжалигини мувофиқлаштириш бўйича Давлатлараро комиссиясини туздилар. Кейинги келишувларда ушбу давлатлараро механизмнинг самарадорлигини таъминлаш, мамлакат ва алоҳида тармоқлар манфаатларини кўзлаб сув барқарорлигини таъминлаш бўйича қўшма мажбуриятларни бажариш учун шарт-шароит яратиш назарда тутилган қоидалар мустақамланди.¹⁸

Минтақада фаолият юритаётган халқаро молиявий кўмак дастурлари давлатлараро музокаралар жараёнларини бошлаб берди ва ҳар бир мамлакатда сув тизимини ислоҳ қилиш жараёнига ўз ҳиссасини қўшишда давом этмоқда. ЕХХТ маҳаллий даражада бир қатор тадбирлар ҳамда Орхус марказлари орқали Марказий Осиёда трансчегаравий сув ресурсларини биргаликда бошқариш ва илғор тажрибаларни оммалаштиришга ёрдам беради. Барқарор ривожланиш ва низоларнинг олдини олиш учун сув ресурсларини самарали бошқариш жуда муҳим аҳамиятга эга. Орхус марказлари миллий, мамлакат ва трансчегаравий даражада сув ресурсларини экологик жиҳатдан барқарор ва адолатли бошқаришни таъминлашда мулоқот, қарорлар қабул қилиш ва жамоатчилик иштирокини таъминлайди.¹⁹



Амалий мисол – Чу-Талас сув хўжалиги комиссияси

Чу ва Талас дарёларидаги давлатлараро сув иншоотларидан фойдаланиш бўйича Қозоғистон ва Қирғизистон Республикаларининг қўшма комиссиясининг фаолияти Марказий Осиёда сув ресурслари соҳасида муваффақиятли ҳамкорликка мисол бўла олади. 2006-йилда халқаро ҳамжамият, жумладан, БМТ ва ЕХХТ кўмагида ташкил этилган Чу-Талас сув хўжалиги комиссияси сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш бўйича кўзда тутилган жадвалга мувофиқ объектларга муваффақиятли хизмат кўрсатиб, самарали фаолият юритмоқда.²⁰

Комиссиянинг Қозоғистон томонига раҳбарлик қилаётган Индира Акбозованинг айтишича,

«Хотин-қизлар ўз фикрларини асосан дипломатик тарзда ифода этиб, бу айниқса трансчегаравий сув дипломатиясида яққол кўзга ташланади. Турли мамлакатлар вакиллариининг фикрлари кўпинча бир-биридан кескин фарқ қилади ва аёллар ўз таклифларини юмшоқроқ шаклда шакллантира оладилар».²¹

¹⁸ Ўша ерда

¹⁹ ЕХХТ, Орхус марказлари: Сув ресурсларини бошқариш

²⁰ UNECE & OSCE, Лойиҳа ҳисоботи: Чу ва Талас дарёларида ҳамкорликни ривожлантириш (Чу - Талас II, 2011 йил), 2-бет

²¹ ЕХХТ, Аёллар, сув ва хавфсизлик (Атроф-муҳит билан боғлиқ фаолият, Гендер тенглиги, 2015 йил)

Иштирок этиш ва муҳокама асосида сувни бошқариш

ЕХХТнинг “Кенг иштирок асосида сув ресурсларини бошқариш мақсадида манфаатдор томонлар билан ҳамкорлик қилиш” ҳисоботига кўра, ҳамкорлик ва маслаҳат асосида сиёсий чоралар ишлаб чиқиш жараёнлари сув ресурсларини бошқариш олдида турган барча муаммоларни ҳал қилишнинг калити бўлмасада, улар қарор қабул қилиш ва қарор қабул қилиш жараёнларини, шунингдек, умуман сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштиришга ёрдам беради. Сув секторини ташкил этувчи тузилмалар маълум бир чора ёки лойиҳанинг натижаларида ҳал қилувчи рол ўйнайди. Улар таклиф киритишлари ёки таклифларни қўллаб-қувватлашлари мумкин, лекин шу билан бирга эътироз билдиришлари, амалга оширилишига тўсқинлик қилишга уринишлари ёки ўз мақсадлари йўлида фойдаланишлари мумкин. Манфаатдор томонларнинг иштироки мақсадларни муҳокама қилиш, тажриба алмашиш ва масъулиятни бўлишиш имкониятини беради ва ташвиш ва манфаатларга асосланган қарорларни кўпроқ қўллаб-қувватлашга ёрдам беради. Манфаатдор томонларнинг иштироки гуруҳлар ва

шахсларга вазифаларни бажаришда ҳамкорлик қилиш имконини берувчи восита саналиб, соҳада кўпинча муаммо ва ечимларга жавоб топишда кўмак берувчи вазифаларни белгилаб беради.

Сув ресурслари билан боғлиқ масалаларда манфаатдор томонларнинг иштироки турли шаклларда бўлиб, турли мақсадларни кўзлайди. Бу жараёнда кўплаб манфаатдор томонлар ва амалиётчиларнинг иштирок этиш имкони бўлиб, айтиш вақтда баъзи тўсиқларга дуч келиш сабабли, харажатлар ҳажми ошадди, бу эса лойиҳа самарадорлигини оширишга ва сув ҳўжалиги соҳасидаги белгиланган мақсадларга эришишга тўлиқ ҳисса қўшишга тўсқинлик қилади. Иштирок этиш жараёнлари фойдали бўлиши учун жараёнлар мақсади, уларга зарур бўлган ресурслар ва улар ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш имкони ўртасида мувозанат таъминлаш талаб этилади. Сув ресурсларини бошқаришда самарали ва мазмунли иштирок этиш мақсадида қулай муҳит яратиш учун асос бўлиши мумкин бўлган қонуний асослар белгилаб олинди.²²



²² ЕХХТ, Инклюзив сув ресурсларини бошқарувида манфаатдор томонларнинг иштироки. (ИХТТ сув соҳасидаги изланишлар, 2015 йил), 168-бет



Тожикистон, Шаартуз
Тожикистон жанубидаги пахта далаларида ўзбек аёллари меҳнат қилмоқда
© Carolyn Drake/Magnum Photos

Ташкилий масалалар



Ўзбекистон, Дўслук
Қизалоқ сугориш каналдан сув олмокда
© Carolyn Drake/Magnum Photos



Самарали гендер тамойилларини жорий этиш ва сув ресурсларини изчил бошқариш сиёсатини амалга ошириш ходимларнинг салоҳиятини ошириш мақсадида уларнинг билим, кўникма ва малакаларини кенгайтиришни, гендер талаблари асосида бюджетни шакллантириш талаб қилиб, бунда масалалар ташкилот фаолияти ва унинг лойиҳаларига киритилиши, шунингдек, ишга қабул қилишда гендер талабларини ҳисобга олиш зарурий омил саналади.

Сув ресурсларини бошқариш тизимида гендер тамойилларини ҳисобга олишнинг самарадорлиги, шунингдек, маълум даражада сув ҳўжалиги секторида меҳнат қилувчи эркеклар ва хотин-қизларнинг ташкилот фаолияти ва маданиятининг барча жабҳаларида тегишли масалаларни эътиборга олишга тайёрликларига боғлиқ.²³

Салоҳиятни ошириш

Америка Қўшма Штатлари Халқаро Тараққиёт Агентлигининг Ташкилотлар салоҳиятини ошириш фаолиятини кузатишга бағишланган ҳисоботида таъкидлаганидек, “Ташкилотнинг салоҳияти - бу ташкилотнинг ўз фаолиятини амалга ошириш ва ўз миссияси ва мақсадларига мувофиқ маълум вақт давомида ўзини қўллаб-қувватлаш қобилиятидир». Ташкилотнинг салоҳиятини ривожлантириш - бу унинг фаолияти самарадорлигини ошириш учун ташкилотнинг жараёнларини, билимларини, муносабатларини, активларини ёки хатти-ҳаракатларини мустаҳкамлашга қаратилган мақсадли жамоавий ишдир.²⁴

Хотин-қизлар ва эркеклар ўртасидаги тенглик соҳасидаги салоҳиятни ривожлантириш хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш ва гендер тенглиги мақсадларига барқарор ва ислохотларга асосланган тарзда эришиш шахслар, муассасалар, гуруҳлар ва ташкилотларнинг билим, кўникма ва қобилиятларини шакллантириш ва / ёки кенгайтиришни назарда тутди.

²³ EXXТ, Архус фаолиятида гендер масалалари: амалиётчилар учун қўлланма (EXXТ Котибияти, OSG/Gender Section, 2012), 15-бет

²⁴ USAID, Ташкилий салоҳиятни ривожлантириш саъй-ҳаракатларини мониторинг қилиш. (Learning Lab, 2018)

Амалий мисол – Орхус марказлари

Орхус конвенцияси талабларини бажаришга кўмаклашиш ва фуқароларга Конвенция бўйича экологик ҳуқуқларни амалга ошириш учун амалий имкониятларни таъминлаш мақсадида ЕХХТ ўзининг жойлардаги офислари ва ЕХХТнинг иқтисодий ва атроф-муҳит бўйича мувофиқлаштирувчи идораси орқали 2002 йилдан бери Орхус марказларини ташкил этиб, уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Ушбу марказлар Орхус конвенциясининг барча асосий қоидабини - ахборотдан фойдаланиш, қарорлар қабул қилишда жамоатчилик иштироки ва атроф-муҳит билан боғлиқ масалаларда қонундан фойдаланиш ҳуқуқини тарғиб қилишда муҳим рол ўйнайди. Улар атроф-муҳитга оид маълумотларни тарқатиш ҳамда Конвенцияни амалга оширишга тааллуқли таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида кўплаб лойиҳаларни амалга ошириш орқали аҳоли ва давлат органларининг ушбу соҳадаги билимини оширишга хизмат қилади. Фуқаролар экологик муаммоларни муҳофаза қилиш учун учрашадиган жой сифатида Орхус марказлари атроф-муҳитни ҳимоя қилиш жараёнларини бошқариш тизимини такомиллаштиришда самарали бўлмоқда. Улар одамларга атроф-муҳит муаммоларга ечим топишда иштирок этишга ёрдам бериш билан бирга, фуқаролар ва давлат органларининг табиий муҳит учун умумий жавобгарликларини англаш орқали экологик қонунчиликдан фойдаланишни осонлаштиради. Ушбу марказлар, шунингдек, маслаҳат бериш хизматларини таклиф қилиш билан бирга, салоҳиятни ошириш ва кадрлар тайёрлашни рағбатлантиради.

Орхус маркази ходимлари, сиёсатчилар ва бошқа манфаатдор томонлар хотин-қизлар ва эркеклар ўртасидаги тенглик тамойилларига алоҳида эътибор бериш орқали тадбирларнинг шаффофлиги ва тенгсизликлар давом этмаслигини таъминлашга фаол ҳисса қўшишлари мумкин. Бундан ташқари, Орхус марказлари фаолиятида гендер тамойилларини ҳисобга олиш унинг иштирокчиларига халқаро норма ва тамойилларга содиқлигини намоён этиш имконини беради.

Орхус марказлари фаолиятида гендер тамойилларини ҳисобга олиш қуйидагиларни назарда тутди²⁵:

- эркеклар ва хотин-қизлар эҳтиёжлари, билимлари ва ҳиссалари тенг равишда акс эттирилиб, тенгсизликларга барҳам берилади;
- Орхус марказлари барча томонларнинг манфаатларини тенг равишда ифодалаб, шаффофлик, ҳисобдорлик ва жамоатчилик ишончини оширади;
- хотин-қизларнинг жамият ҳаёти ва қарорлар қабул қилиш жараёнларидаги иштироки ошади;
- эркеклар ва хотин-қизларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини тенг ҳисобга олиш хизматларнинг янада мувозанатли ва вакиллик асосида тақдим этилишига олиб келади.

²⁵ ЕХХТ, Орхус фаолиятида гендер масалалари: амалиётчилар учун қўлланма (ЕХХТ Котибияти, OSG/Gender Section, 2012), 13-бет

Бюджетни шакллантириш

The "Economist" журналида нашр этилган мақолада гендер тамойиллари мамлакат иқтисодиётига қандай фойда келтириши ҳақида қуйидагича фикр билдирилади: "Бюджетни шакллантиришда гендер талабларини ҳисобга олиш - бу Давлат органларига бюджет-молиявий маблағлар ёрдамида тенгликни таъминлашга имкон берувчи усуллардан биридир.

У бюджетнинг эркаклар ва хотин-қизларга амалий таъсири ва тегишли маблағларни тақсимлашдаги тафовутлар таҳлилини, шунингдек, қизларни ўғил болалар билан тенг равишда ўқитиш каби мақсадларни белгилашни ва бу мақсадларга эришиш учун маблағларни тақсимлашни ўз ичига олади".²⁶



Амалий мисол – Тожикистондаги ривожланиш

Тожикистон иқлим ўзгаришининг салбий таъсири олдида заиф бўлиб, унга мослашиш бўйича паст салоҳиятга эга мамлакатдир. Қишлоқ хўжалиги соҳаси об-ҳавонинг ўзгариши, табиий офатлар ва сув танқислигига айниқса сезгир саналади.²⁷

Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг яқинда эълон қилинган сиёсий эслатмасига кўра, "Тожикистонда Иқлимга чидамлилиқ даражасини ошириш бўйича Иқлим инвестиция фондининг Тажриба дастури (CIF PPCR) кўмагида бир қатор ташаббуслар, инвестиция лойиҳалари ва техник ёрдам тадбирлари амалга оширилиб, уларнинг асосий мақсади хусусий сектор кўмагида гендер масалаларига қаратилган ва иқлим ўзгаришига чидамли бўлган ривожланиш асосларини шакллантиришдан иборатдир. Шу муносабат билан алоҳида ижтимоий-иқтисодий гуруҳ сифатида (хотин-қизлар) иқлим ўзгариши таъсирига заифлиги, шунингдек, гендер билан боғлиқ масалаларда ислохотларни амалга ошириш имкониятлари ҳисобга олинди. Тожикистондаги Тажриба Дастур (PPCR) доирасида тегишли техник ёрдам компонентларидан фойдаланган ҳолда иқлимга чидамлилиқ ошириш бўйича бир қатор хусусий сектор вакилларига йўналтирилган инвестициялар амалга оширилди. Мазкур фаолият жараёнида хотин-қизлар ва эркаклар томонидан бошқариладиган корхоналар, аёллар ва эркаклар бошчилигидаги уй хўжаликларининг хотин-қизлар ва эркаклар учун бевосита ва билвосита фойдаси ҳақида бир қатор саволлар туғилди.²⁸

Осиё Тараққиёт Банки (ОТБ) 2015-2017 йилларга мўлжалланган инвестиция режаси доирасида сув таъминоти ва суғориш самарадорлигини ошириш ҳамда иқлим ўзгариши билан боғлиқ офатларга чидамлилигини ошириш учун гендер омилларига асосланган бюджет ишлаб чиқди. ОТБнинг "Пяньж дарёси ҳавзасидаги иқлимга чидамлилиқни ошириш" лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган Гендер тенглиги бўйича Ҳаракатлар режаси сув тошқинларидан ҳимоя қилиш ва сув инфратузилмасини тиклаш билан боғлиқ жараёнлардан хотин-қизлар манфаатдор бўлиши кўзда тутилган. Режа қишлоқ хўжалиги соҳасидаги хотин-қизларнинг ўрни, қониқарсиз сув таъминоти инфратузилмаси натижалари ва иқлим ўзгариши ҳақида умумий маълумот беради.²⁹

²⁶ E.W., Гендер масалаларини эътиборга олиш мамлакат иқтисодиёти учун қай тариқа фойдали бўлиши мумкин. (The Economist, 2017)

²⁷ Элизабет Дубан, Тожикистон: Мамлакатдаги гендер ҳолатни баҳолаш (ADB, 2016)

²⁸ ЕТТБ, Қандай қилиб хусусий сектор инвестициялари Тожикистонда гендер талабларига жавоб берувчи, иқлимга чидамли ривожланишни қўллаб-қувватлаши мумкин: Қўлланма. (Gender Guidance Note, 2019), 13-бет

²⁹ ОТБ, Аёллар, сув ва етакчилиқ. (ADB Briefs, 2014)



Тоҷикистон, Шаартуз ирригация
каналли
© Carolyn Drake/Magnum Photos

Кадрларни танлаш

Ташкилотнинг инсон ресурслари ва маданияти контекстида гендер омилларини ҳисобга олиш ташкилотда фаолият юритувчи хотин-қизларга ҳам, эркекларга ҳам таъсир кўрсатадиган масалаларни, хусусан, ишга ёллаш, хотин-қизлар ва эркекларнинг лавозимни ошириш ва профессионал кўникмалари ва иш ҳақини ошириш мақсадида ўқитиш имкониятларини ўз ичига олади.

Кадрлар масалалари салоҳиятни ривожлантириш ва бюджетлаштириш билан узвий боғлиқ бўлиб, шу сабабли бу соҳадаги фаолиятлар ташкилотдаги барча ходимларга таъсир кўрсатади. Кадрлар сиёсатида гендер тамойиллари хотин-қизлар ва эркекларга тенг меҳнат қилиш имконини берувчи болалар боғчалари ва мослашувчан иш соатлари каби қўллаб-қувватловчи тузилмаларни ҳам яратиш чораларини қамраб олади.

Амалий мисол – суғоришда хотин-қизлар ва эркеклар тенглиги

Ўзбекистонда тажриба лойиҳаси доирасида Халқаро қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари бўйича маслаҳат гуруҳининг (CGIAR) Сув, ер ва экотизим соҳасидаги тадқиқотлари дастури суғоришда гендер масалалари бўйича ўз ўқув дастурини сувдан фойдаланувчилар уюшмаси (СФУ) ходимлари ва аъзолари иштирокида синовдан ўтказди. Ўзбекистонда кўплаб аёллар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида, сабзавотчиликда меҳнат қилишларига қарамай, уларнинг жуда кам қисми фермер сифатида расман рўйхатга олинган ва ташкилий жиҳатдан тизимга киритилмаган. Ушбу тажриба лойиҳа уй хўжаликлари билан бир қаторда сувдан фойдаланувчи аёлларни ҳам қамраб олди. Деярли барча СФУ аъзолари эркеклар ва деярли барча уй хўжаликлари вакиллари аёллар эди. Интервью ва фокус-гуруҳ муҳокама-ларидан қуйидаги хулосалар чиқарилди:

- хотин-қизлар режалаштириш ва қарорлар қабул қилиш жараёнидан ташкилий жиҳатдан четлаштирилган;
- йирик фермер хўжаликлари асосий фойда олувчилар ҳисобланади;
- стандарт суғориш лойиҳалари маҳаллий шароитларни ҳисобга олмайди;
- уй хўжаликларининг расмий вакиллари СФУда иштирок этмайди;
- СФУлардан томорқа участкаларининг эҳтиёжларини ҳисобга олишни талаб қиладиган расмий механизм мавжуд эмас;
- вазиятнинг аёлларнинг оилалари учун озиқ-овқат ишлаб чиқариш қобилиятига сезиларли салбий таъсири;
- маиший эҳтиёжлар ва суғориш учун сув ажратишни алоҳида режалаштириш низолар учун шароит яратади.

Хотин-қизлар қарорларни режалаштиришда иштирок этишлари ва уларга таъсир ўтказишлари учун улар ташкилотнинг расмий аъзоси бўлишлари зарур.³⁰

³⁰ Н. Лефор, Э. Уэйт ва Н. Муҳамедова, Ирригация соҳасида гендер тенглигини яхшилаш: Малави ва Ўзбекистонда тажриба ва амалиётни рағбатлантириш воситасини қўллаш. (R4D Learning Series, 2017), 18-19-бетлар

Ташкилотлар фаолиятида гендер омилларини эътиборга олиш



Туркманистон, Дамла
Аёллар Қорақум чўлидаги қишлоқ ҳовузидан ёмғир сувини олишмоқда
© Carolyn Drake/Magnum Photos


Марказий Осиёдаги сув ҳўжалиги ташкилотлари фаолиятида гендер тамойилларини жорий этиш бўйича босқичма-босқич қўлланма уларнинг раҳбарлари ва бошқа ходимлари учун мўлжалланган.



Жараён иштирокчиларининг таркиби мақсадга мувофиқ бўлган даражада кенг бўлиши мумкин бўлиб, улар таркибига ташкилотлар ва сувдан фойдаланувчилар, молиявий ёрдам кўрсатувчи ташкилотлар ва манфаатдор идоралар вакиллари, шунингдек, сув ҳўжалиги билан боғлиқ ҳар қандай ташкилотларнинг ходимлари ва бошқарув аъзолари кириши мумкин. Ушбу қўлланма турли хил шароитларда гендер талабларини ҳисобга олишда самарали бўлиши мумкин. Ташкилотлар бу ерда тақдим этилган босқичма-босқич жараёндан ходимлар иштирокидаги семинарларда ва манфаатдор томонлар вакиллари билан янги лойиҳаларни режалаштиришда фойдаланишлари мумкин. Қўлланма, шунингдек, ўз ташкилотларида гендер тенглиги масалалари учун масъул бўлган мутахассислар учун қўлланма бўлиб хизмат қилиши ёки сув ресурсларини бошқариш бўйича курсларда ўқув материали сифатида қўлланиши мумкин. Одатда, бу жараён гендер тамойилларини ҳисобга олиш бўйича мутахассис томонидан бошқарилади.

Умумий таҳлил

Жадвалда гендер омилларининг беш босқичи кўрсатилган ва ҳар бир босқич кейинги босқич учун асос бўлиб хизмат қилишига мисоллар келтирилган.



Марказий Осиёда сув ресурсларини бошқариш амалиётида гендер тамойилларини жорий этиш бўйича ушбу қўлланма хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги фарқларни, уларнинг роли ва ваколатларини ташкилот контекстида аниқлаш ва тушуниш учун мўлжалланган вазиятни баҳолаш тартибини тавсифлашдан бошланади. Кейинги босқичлар ушбу асосга таянади, лекин юқоридаги диаграммада кўрсатилганидек, биринчи қадам ташкилотдаги гендер муаммолари ҳақида хабардорликни оширишга ёрдам берадиган мустақил таҳлил жараёни бўлиб, бу ўз-ўзидан муҳим мақсад бўлиб кўринади.



1-босқич.

Ташкилот фаолиятидаги гендер жиҳатларни таҳлил қилиш

Ҳар томонлама гендер омиллари таҳлили эркаклар ва хотин-қизлар ўртасидаги ҳуқуқлар, ҳақ тўланмайдиган уй юмушлари ва уй ҳўжалигининг бошқа аъзоларига ғамхўрлик қилиш, меҳнат тақсимооти, ресурслар ва ваколатлардан фойдаланиш нуқтаи назаридан фарқланишларни ўз ичига олади. Ҳар томонлама гендер омиллари таҳлили эркаклар ва хотин-қизлар ўртасидаги ҳуқуқлар, ҳақ тўланмайдиган уй юмушлари ва уй ҳўжалигининг бошқа аъзоларига ғамхўрлик қилиш, меҳнат тақсимооти, ресурслар ва ваколатлардан фойдаланиш нуқтаи назаридан фарқларни ўз ичига олади. Ушбу босқичнинг асосий мақсади ташкилотларнинг турли одамларнинг турли эҳтиёжларини қондириши учун мажбурият ва ҳаракат талаб қилинадиган соҳаларни аниқлашдир.³¹

Ташкилот доирасидаги гендер омиллари таҳлили ташкилий масалалар билан боғлиқ муаммоларни бирлаштиришга ёрдам беради, гендер тенглигини таъминлайди ва тегишли масалаларга эътиборни қаратади ва уларни эътироф этишга кўмак беради. Ҳар ҳолда, бундай таҳлил зарарли бўлмайди. Унинг иштирокчилари қуйидаги саволларга асосланишлари зарур:

- ташкилотдаги эркаклар ва хотин-қизлар учун турли роллар, ресурслар, имкониятлар, эҳтиёжлар ва чекловлар қандай;
- ташкилот фаолияти (ижобий ва салбий) хотин-қизлар ва эркакларга қандай таъсир қилиши ўртасидаги фарқ нимада.

Баҳолаш натижаларини ўз фаолиятида қўлламоқчи бўлган ташкилотлар учун қўлланма ташкилот олмақчи бўлган мажбуриятларнинг аниқ чегаралари ва ушбу мажбуриятларни бажариш режасини яратиш бўйича кўрсатмалар беради. Сўнгра қўлланмада ташкилот режаси асосида қандай қилиб аниқ мақсадларни белгилаш ва ташкилот томонидан эришилган муваффақиятини ўлчашда муҳим элементлар бўлган объектив кўрсаткичларни шакллантириш бўйича тавсиялар берилади. Қўлланма ташкилотга ўз режаларини амалга ошириш имконини берувчи бюджетлаштириш ва ҳисобот бериш механизmlарининг тавсифи билан яқунланади.

Гендер омиллари таҳлили зарарли бўлмаган тарзда амалга оширилади ва ташкилотларга ушбу масалаларга жиддий эътибор қаратишга кўмак бериши зарур бўлиб, бу Европа гендер тенглиги масалалари институти (EIGE) томонидан - "муайян ижтимоий, маданий, иқтисодий ва сиёсий вазиятларда хотин-қизлар ва (ёки) эркаклар ва (ёки) ўғил болаларга юклатилган роллар ва мажбуриятларни тан олмаслик" сифатида таърифланади. Ушбу масалаларни эътиборга олмайдиган лойиҳалар, дастурлар, чора-тадбирлар ва муносабатлар хотин-қизлар, эркаклар ва ўғил болаларнинг турли роллари ва турли эҳтиёжларини ҳисобга олмаганлиги сабабли, Институт тадқиқотларига кўра, улар ҳозирги ҳолатни сақлаб қолишга интилган ҳолда, эркаклар ва хотин-қизлар ўртасидаги муносабатларнинг тенгсиз тузилмасини ўзгартиришга умуман ҳисса қўшмайди.³²

Аксинча, гендер-нейтрал лойиҳалар, дастур ва чора-тадбирлар "аёллар ва эркаклар ўртасидаги муносабатлар ёки тенглик нуқтаи назаридан ҳеч қандай аниқ ижобий ёки салбий оқибатларга олиб келмайди".³³

Қуйидаги гендер омиллари таҳлили жадвали жараён давомида кўриб чиқилиши керак бўлган одатий саволларни ўз ичига олади ва бу саволларга қандай жавоб бериш мумкинлиги ҳақида мисоллар келтиради. Бу жавоблар ягона андозага мослаштириш учун эмас, балки саволларга қандай жавоб бериш мумкинлиги ҳақида тасаввурга эга бўлиш мақсадида берилган.

³¹ WECF International, Гендер таъсирини баҳолаш ва мониторинг воситаси. (Women2030, 2018), 51-бет

³² EIGE, Гендер масалаларига эътиборсизлик

³³ EIGE, Gender Neutral

Гендер омилларини таҳлил қилиш жадвали

Уй ҳўжалиги

Меҳнат	👤 Уй ишлари, боғни суғориш, овқат тайёрлаш, сувни тўғри сақлашга ишонч ҳосил қилиш
Ким нима қилади?	👤 Боғда ўсимликлар экиш ва боғни суғориш учун ариқлар чопиш
Вақт	👤 Кунига 7-8 соат уй юмушларига, 1-2 соат боғни суғоришга, суғориш ариқлари ва сув резервуарларини мавсумга қараб таъмирлаш, сув борлигига қараб 2-3 соат ювиниш ва овқат пишириш
Қанча вақт сарфланади ва нимага?	👤 Мавсумга қараб ҳафтасига 3-4 соат уй юмушлари учун
Ресурслар	👤 Маблағлар устидан чекланган назорат, оиланинг кундалик бюджетини умумий бошқариш
Ким фойдаланиш ҳуқуқига эга ва нимани назорат қилади?	👤 Оила учун пул ишлаб топади ва барча оилавий маблағлар ва банк ҳисоб рақамларини назорат қилади
Маданият	👤 Анъанавий равишда уй ҳўжалигида ишлайди (эри меҳнат мигранти бўлган ҳоллар бундан мустасно) ва мавсумий ишларга жалб қилинади
Маданият фойдаланиш ва назоратга қандай таъсир қилади?	👤 Анъанага кўра, меҳнат миграцияси ҳоллари мустасно бўлган, оиладаги ягона боқувчи

Аҳоли яшаш жойлари

Меҳнат	👤 Қишлоқ ҳўжалигида мавсумий ишчилар
Ким нима қилади?	👤 Саноат ёки қишлоқ ҳўжалигидаги ишчилар, қисман савдо билан шуғулланиш
Вақт	👤 Йилига 60 - 80 кун қишлоқ ҳўжалигида, асосан ҳосил йиғишда
Қанча вақт сарфланади ва нимага?	👤 Тўлиқ кун ишловчи ишчилар, баъзан 5-6 ой давомида оиладан узоқда бўлиб, уйга пул ўтказмаларини юборадилар
Ресурслар	👤 Томорқа еридан олинган маҳсулотларни сотиш ва мавсумий ишдан олинган даромад орқали бозор устидан чекланган назоратга эга бўлиш
Ким фойдаланиш ҳуқуқига эга ва нимани назорат қилади?	👤 Анъанавий равишда ерга эгалик қилади ва асосан бозор ва савдони назорат қилади
Маданият	👤 Анъанага кўра фақат таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасида муайян лавозимларда ишлаган, лекин бозорлар ва қишлоқ ҳўжалиги бирлашмаларида тобора кўпроқ вакиллик қилади
Маданият фойдаланиш ва назоратга қандай таъсир қилади?	👤 Маҳаллий даражадаги оиланинг асосий вакиллари, расмий ёки норасмий давлат органлари таркибда асосий қарорларни қабул қиладилар

СФУ

Меҳнат	👤 Мавсумий ишчилар сифатида чекланган иштирок
Ким нима қилади	👤 Раҳбарлар ва масъул ходимлар, баъзан оиладан йироқда бўлишлари ёки чет элда ишлашлари мумкин
Вақт	👤 Мавсумий ишчилар иштирок этадиган аҳолининг умумий йиғилишида йилига 1 - 2 соат
Қанча вақт сарфланади ва нимага?	👤 Барча даражадаги тўлиқ иш куни
Ресурслар	👤 Деярли фойдаланиш имконияти ва назорат йўқ
Ким фойдаланиш ҳуқуқига эга ва нимани назорат қилади?	👤 Асосий қарорлар қабул қиладилар
Маданият	👤 Одатда иштирок этмайдилар
Маданият фойдаланиш ва назоратга қандай таъсир қилади?	👤 Анъанавий тарзда муҳим қарорлар қабул қилиб, таъсир кўрсата олади

Ҳавза уюшмалари

Меҳнат	👤 Деярли рол бажармайди
Ким нима қилади	👤 Раҳбарлар, масъул ишчилар ва мутахассислар
Вақт	👤 Маҳаллий аҳолининг минимал иштироки
Қанча вақт сарфланади ва нимага?	👤 Барча даражадаги тўлиқ иш куни
Ресурслар	👤 Деярли фойдаланиш ва назорат қилиш имкони йўқ
Ким фойдаланиш ҳуқуқига эга ва нимани назорат қилади?	👤 Муҳим қарорлар қабул қилиб, маблағларни бошқариш
Маданият	👤 Одатда иштирок этмайдилар
Маданият фойдаланиш ва назоратга қандай таъсир қилади?	👤 Анъанавий тарзда муҳим қарорлар қабул қилиб, таъсир кўрсата олади

Ташкилот ходимларининг фикрлари семинарда, шахсий суҳбатларда ёки ходимлар, манфаатдор ташкилотлар вакиллари ва бошқа иштирокчилар йиғилишида ёки сўровномани тўлдириш орқали тўпланиши мумкин. Инструкторлар олинган шарҳларни тўплаб, улар асосида ҳисобот тайёрлайди. Кейинчалик бундай ҳисобот натижаларни аниқлаштириш ва аниқланган масалалар бўйича умумий келишувга эришишга қаратилган кейинги муҳокамалар учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Кўриб чиқиш жараёнининг якунига келиб, ташкилот қайси гендер жиҳатларини кўриб чиқиш кераклиги ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши зарур. Шунчаки ушбу жараёнда иштирок этиш орқали иштирокчилар гендер билан боғлиқ муаммоларга нисбатан сезгирроқ бўлишлари ва улар томонидан бу масалаларни самарали ҳал қилиш учун ташкилот амалга ошириши мумкин бўлган чоралар ҳақида таклифлар киритилиши мумкин. Қандай бўлмасин, таҳлил гендер муаммоларига эътиборни қаратиши ва иштирокчиларда улар илгари бошдан кечирмаган ёки тушунмаган эмпатияни яратиши мумкин.



2-босқич.

Ташкилотнинг гендер масалалари бўйича мажбуриятларининг аниқ концепциясини шакллантириш

Ушбу жараённинг муваффақияти барча даражадаги ходимларнинг саъй-ҳаракатларига, вазифани умумий тушунишга ва бошқарув органлари ва ташкилот раҳбарияти томонидан белгиланган аниқ мақсадларга боғлиқ. Гендер тамойиллари бўйича мажбуриятларнинг аниқ концепцияси қуйидаги вариантлардан бирини ўз ичига олиши мумкин:

- демократик ва ошкора тарзда сув ресурсларини бошқаришда тенг иштирок этиш билан боғлиқ билим ва кўникмаларини кенгайтиришга қаратилган салоҳиятни ошириш (хотин-қизлар ва эркеклар учун) тадбирларини ишлаб чиқиш;
- раҳбарлик лавозимларида хотин-қизлар ва эркеклар учун квоталар белгилаш;
- хотин-қизларни сувдан самарали фойдаланиш, сув инфратузилмаси тизимларини қуриш ва таъмирлаш ҳамда сув сифати мониторинги бўйича техник ўқув дастурларига киритиш;

сув ва атроф-муҳит, сув ресурслари ва барқарор қишлоқ хўжалиги, сув ресурслари ҳамда шаффофлик ва ҳисобдорлик тамойиллари бўйича ўқув модулларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- режалаштириш, маълумотларни тўплаш, мониторинг ва натижаларни баҳолашда аёлларнинг фаол иштирокини таъминлаш;
- сув хўжалиги секторидида гендер тенглиги масалалари бўйича фаолият юритувчи маҳаллий ва халқаро ННТлар билан алоқаларни йўлга қўйиш.

Гендер масалалари бўйича мажбуриятларининг таърифи табиий равишда ушбу соҳадаги таҳлил натижаларидан келиб чиқиши ва ташкилотнинг аниқ мақсадлари ва фаолиятига мос келиши зарур. Мажбуриятлар ташкилотнинг тузилмавий хусусиятларини акс эттириши ва унинг гендер ўлчамига эга бўлган умумий фаолияти ва алоҳида лойиҳаларнинг жиҳатларини ҳисобга олиши шарт. Мисол учун, раҳбарлик лавозимларида хотин-қизлар кам вакил бўлган ҳолларда, ташкилот ушбу лавозимларда хотин-қизлар сонини кўпайтириш мажбуриятини олиши мумкин. Ташкилот фаолиятининг гендер жиҳатларини таҳлил қилиш бўйича ҳисобот асосида иштирокчилар ўз фикрлари асосида энг муҳим мажбуриятларни танлашлари, инструктор эса ташкилотнинг ушбу соҳадаги мажбуриятлари концепциясини шакллантиришда ёрдам бериши мумкин.



3-босқич.

Гендер масалалари бўйича ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш

Иккинчи босқичда ишлаб чиқилган концепция аслида гендер муаммоларини ҳал қилиш бўйича чора-тадбирлар мажмуи бўлиб, бу масалаларга жиддий ёндашишга бўлган умумий баёнотидир. Сув ресурсларини бошқариш контекстида бундай чора-тадбирлар мажмуи ташкилотнинг ички маданияти билан бирга дастурлар ёки лойиҳаларни ҳам қамраб олади. Бундан ташқари, у ушбу чора-тадбирлар қандай амалга оширилишини белгилайдиган Гендер масалалари бўйича ҳаракатлар режасини (ХР) ҳам ўз ичига олади. Ҳаракатлар режасини ишлаб чиқишда ходимларни жалб қилиш уларда иштирок этиш ҳиссини шакллантиради. Ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш бўйича ушбу қўлланма маълумот учун мўлжалланган бўлиб, ташкилотлар ушбу материални ўз мақсадлари ва шартларига мувофиқ мослаштиришга даъват этилади.

Ташкилот раҳбариятининг иштироки

Ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш учун ташкилот раҳбарияти ниятнинг жиддийлигини кўрсатиши ва етакчиликни ўз зиммасига олиши муҳимдир. Фақатгина ташкилот раҳбарияти бутун ташкилотни ҳаракатда иштирок этишга чақириши ва режани амалга ошириш учун етарли маблағ ажратилиши учун ташкилотнинг ҳаракатлар режаси ва бюджети мувофиқлаштирилишини таъминлаши мумкин.

Ишчи гуруҳ

Ташкилотда тузилган, унинг олдида турган вазифаларни яхши тушунадиган ва аниқ иш муддатларига эга бўлган ишчи гуруҳ ташкилотдаги барча дастурлар ва даражаларда вакилликни таъминлайдиган ҳаракатлар режасини ишлаб чиқади.

Ҳамкорлар билан маслаҳатлашув

Мавжуд вазият ва эҳтиёжлар таҳлилини тайёрлаб, ишчи гуруҳ давлат ва фуқаролик жамиятидаги асосий ҳамкорлар, шунингдек, бошқа

ҳар қандай ташкилотлар билан маслаҳат учрашувларини бошлайди. Агар ташқи ҳамкорлар билан маслаҳатлашиш имкони бўлмаса, ишчи гуруҳ асосий давлат дастурлари ва стратегик ҳужжатларни ўрганиши мумкин.

Режа лойиҳаси

Ишчи гуруҳ қуйидагиларни ўз ичига олган ҳаракатлар режаси лойиҳасини тайёрлайди:

- лойиҳа ёки дастурда гендер масалаларини ҳал қилиш учун амалга оширилувчи ишлар;

гендер масалаларини ҳал қилиш ва хотин-қизлар ва эркаклар учун, хусусан, бундай муаммолар айниқса ўткир бўлган жамоаларда аниқ натижаларга эришиш учун лойиҳа ёки дастурга киритилган мақсадлар ва таркибий хусусиятлари;

- бундай тузилмавий элементларни жорий этишни таъминлаш механизмлари;
- гендер муаммоларига боғлиқ бўлган иш фаолиятини мониторинг қилиш ва баҳолаш кўрсаткичлари.

Агар ташқи тадбирлар режалаштирилган бўлса, максимал қамраб олишни таъминлаш учун ҳаракатлар режасига жамоатчилик билан алоқалар режаси илова қилиниши мумкин.

Режани тайёрлаш

Ҳаракатлар режасини тайёрлаш - бу лойиҳани муҳокама қилиш учун ишчи гуруҳнинг бир неча раунд учрашувларини ва уни яқунлаш учун ташкилот ичида қўшимча маслаҳатлашувларни талаб қиладиган фаолият. Малакали профессионал инструктор ушбу семинарларни ташкил этиш ва ўтказишда ёрдам бериши мумкин.

Қуйида гендер муаммоларини ечишга қаратилган ҳаракат режаси намунаси келтирилган.

Гендер муаммоларини ечишга қаратилган ҳаракат режаси намунаси

Эслатма: Ташкилотнинг ўзига хос эҳтиёжларига мувофиқ таклиф қилинган намунага ўзгартиришлар киритиш тавсия этилади.

Ташкилот мажбуриятлари

Сув ресурслари соҳасдаги ташкилоти олиши мумкин бўлган мажбуриятларга мисоллар:

- ташкилот раҳбариятида аёллар сонини ошириш;
- оилаларнинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда меҳнат шaroитларини яхшилаш;
- минтақадаги можароларнинг олдини олиш учун трансчегаравий сув ресурсларини бошқаришда маҳаллий аҳолининг, жумладан хотин-қизларнинг иштирокини ошириш;
- хотин-қизлар ва эркакларнинг алоҳида эҳтиёжларини инobatга олган ҳолда, суғориш ва маиший эҳтиёжлар учун арзон нархларда сувнинг йил давомида таъминланишини яхшилаш.

Кутилаётган якунлар ва/ёки амалий натижаларни шакллантиришга мисол

Режани амалга ошириш натижасида аёллар бошчилигидаги ёки уларга тегишли бўлган қишлоқ хўжалиги корхоналарининг тадбиркорлик салоҳиятлари [тахминан сони ёки фоиздаги улуши] ташкилот доирасида ҳам, лойиҳалар орқали ҳам аёлларнинг салоҳиятини ошириш бўйича тадбирлар, шунингдек, аёллар эҳтиёжларини қондириш ва уй хўжалиги ҳудудида жойлашган томорқа ерларини суғориш мақсадида сув ресурсларидан унумли фойдаланиш орқали кенгайиб бормоқда.

Натижалар қабул қилинган чора-тадбирлар натижасида юзага келади ривожланиш шарoитида кутилаётган ўзгаришларни тавсифлайди. Улар муассасалар фаолиятидаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиши мумкин.³⁴

Амалий натижалар – Булар дастур томонидан ишлаб чиқарилган муайян маҳсулот ва хизматлардир. Натижалар, шунингдек, ташкилотнинг ривожланиш фаолияти доирасида амалга оширилган тадбирларни якунлаш натижасида шахслар ёки муассасаларнинг кўникмалари, қобилиятлари ёки имкониятларидаги ўзгаришларни ҳам ифодалаши мумкин.³⁵

Аксарият ҳолларда, амалий натижалар ташкилотнинг фаолияти ва ташқи лойиҳалар билан боғлиқ бўлади. Бундай ҳолларда кутилаётган натижаларни алоҳида шакллантириш, сўнгра хотин-қизлар ва эркаклар учун алоҳида бўлган тегишли тадбирларни, гендер тамойилларини ҳисобга олиш бўйича самарадорлик кўрсаткичларини, мақсадларни, вақтни ва жавобгарликни санаб ўтиш керак.

Фаолият - ташкилот амалга оширишни режалаштирган қуйидаги каби муайян тадбирлар рўйхати:

- ўрта бўғиндаги раҳбар-аёллар учун бошқарув бўйича ўқув семинари;
- қишлоқ жойларда ёки аҳоли хонадонларида сув билан таъминлаш пунктларини ташкил этиш;
- фермер аёллар ва ҳукумат вакиллари тармоғини яратиш.

Натижаларни ва муайян мақсадларни ўлчаш кўрсаткичлари (қуйида 4-босқичга қаранг)

Белгиланган вақт

Режа ташкилотнинг белгиланган барча вазифаларни бажариш ва барча кўрсаткичларга эришиш даврини акс эттиради.

Жавобгарлик

Режа ҳар бир мақсадни бажариш ва ҳар бир кўрсаткичга эришиш учун ким масъул эканлигини белгилайди.

Бюджет (қуйидаги 5-босқичга қаранг)

Режа тахминий харажатларни ўз ичига олади

Яшил иқлим жамғармасидан мослаштирилган, таҳрирланган³⁶

³⁴ 34 Анжела Бестер, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ривожланиш тизимида Натижага асосланган бошқарув (Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқтисодий ва Ижтимоий Ишлар Бошқармаси, 2016 йил), 3 бет.

³⁵ Ўша ерда

³⁶ GCF, Gender Analysis/Assessment and Gender and Social Inclusion Action Plan Templates. (GCF, 2018), 5—6 бетлар



4-босқич.

Кўрсаткичлар тўпламини ишлаб чиқиш

Ҳаракатлар режасида белгиланган мақсад ёки вазифалар кўрсаткичларни аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Мақсадларга етишиш йўлида эришилган ютуқларни кузатиш учун қўлланиши мумкин бўлган кўрсаткичларни ишлаб чиқиш лойиҳани баҳолашнинг муҳим қисми бўлиб, самарали кўрсаткичлар тўплами раҳбарлар, манфаатдор томонлар, қўллаб-қувватловчи ташкилотлар ва кенг жамоатчилиكنинг лойиҳанинг гендер масалаларини ҳал қилиш бўйича самарадорлик даражаси ҳақида хабардорликларини ошириши мумкин.

Сув ресурсларини бошқариш соҳасида гендер сиёсатини ишлаб чиқишда, ҳар қандай самарали сиёсатни ишлаб чиқишда бўлгани каби, муайян сиёсат йўналтирилган аҳолининг демографик таркиби ҳисобга олиниб, шу билан бирга хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги тенгликни таъминлаш сиёсати

эркаклар ва аёлларга тегишли миқдорий маълумотларни алоҳида ҳисобга олади.

Маълумотларни жинси, ёши ва ижтимоий-иқтисодий омиллари бўйича тақсимлаш муайян муаммо қайси гуруҳларга кўпроқ таъсир кўрсатиши ҳақида тушунча беради ва муайян эҳтиёжларни қондириш учун чоралар, дастурлар ва тадбирларни танлашда кўмак кўрсатади. Аниқ маълумотлардан фойдаланиш баъзи кўрсаткичлар учун аниқсиз фойдали бўлиши мумкин.

Кўрсаткичларни ишлаб чиқишда машҳур ёндашувлардан бири бу кўрсаткичлар аниқ, ўлчанадиган, эришиш мумкин бўлган, мазмунли ва вақт доираларига боғлиқ бўлиши керак бўлган мезонлардан бошлашдир (SMART кўрсаткичлари деб аталувчи). Ушбу мезонлар янги кўрсаткичларни ишлаб чиқишда ёки авваларини қайта кўриб чиқишда фойдалидир.

SMART-кўрсаткичлари

Аниқ	Кўрсаткич ўлчанаётган нарсани аниқ тасвирлаши зарур бўлиб, бир вақтнинг ўзига бир нечта параметрларни ўз ичига олмайди
Ўлчанадиган	Кўрсаткичдан ким фойдаланишидан қатъи назар, таққосланадиган натижалар бир хил шароитларда олиниши ва кузатилиши зарур
Эришиш мумкин	Кўрсаткич учун маълумотларни йиғиш оддий, содда ва арзон бўлиши шарт
Муҳим	Кўрсаткич ҳар бир тегишли ҳаракат, натижа ёки натижа билан чамбарчас боғлиқ бўлиши зарур
Вақт чегараси	Кўрсаткич вақт доирасига боғланган бўлиши шарт

SMART- сув ҳўжалиги лойиҳаларида гендер тамойилларини ҳисобга олиш кўрсаткичлари ўз ичига қуйидагиларни олиши мумкин:

- раҳбарлик лавозимларида аёллар ва эркаклар нисбати;
- қарор қабул қилишда иштирок этган аёллар ва эркаклар нисбати;
- суғориш учун сувга эга бўлган аёллар ва эркакларнинг нисбати.

Агар ташкилотда ўтказилган таҳлил аёлларнинг раҳбарлик лавозимларида ва қарорлар қабул қилиш жараёнида кам иштирок этаётганлигини кўрсатган бўлса ва ташкилот тенг вакилликка эришиш бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олган бўлса, маълум бир вақт даврига мўлжалланган ушбу кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин.

Осиё тараққиёт банки³⁷ лойиҳаларни бошқариш ва амалга ошириш йўриқномаларига гендер тенглиги бўйича ҳаракат режаларини киритиб, бунда унинг гендер тенглик кўрсаткичларини танлаш бўйича тавсиялар тўпламига кўрсаткичлар нимани ўлчаши кераклиги бўйича тавсиялар киритилади.

- Аёллар, эркеклар, ўғил болалар ва қизлар учун иштирок этиш, имтиёзлар, натижалар ва оқибатлардаги фарқлар:
 - раҳбарлик лавозимларида аёллар улуши;
 - суғориш учун сувга эга бўлган аёллар сони;
 - аёллар бошчилигидаги компаниялар томонидан назорат қилинадиган бозор улуши.
- Эркаклар ва аёллар ўртасидаги муносабатлардаги ўзгаришлар (ижобий ёки салбий), яъни эркеклар ва аёллар ва қизлар ва ўғил болалар ўртасидаги тенглик ёки тенгсизлик томон ўзгаришлар:
 - қарорлар қабул қилишда иштирок этувчи аёллар сонини ошириш;
 - молиявий маблағлардан фойдаланишда эркеклар ва аёллар ўртасидаги тенгсизликни камайтириш;
 - гендер омилларини ҳисобга олган ҳолда муайян ташкилотнинг лойиҳаларини бюджетлаштириш амалиётини кенгайтириш.
- Ушбу ўзгаришлар ривожланиш мақсадларига эришиш, хусусан, иқтисодий ўсиш, қашшоқликни камайтириш ва барқарор ривожланишга қандай таъсир қилади:
 - қишлоқ хўжалиги ерларига эгалик қилиш ёки қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш ҳуқуқларига эга бўлган жами қишлоқ аҳолисининг эркеклар ва аёллар учун алоҳида нисбати;
 - қишлоқ хўжалиги ерлари мулкдорлари ёки эгалик қилиш ҳуқуқи бўлган шахслар орасида аёлларнинг улуши, ерга бўлган ҳуқуқлар турлари бўйича алоҳида.

Ушбу тавсиялар тўплами³⁸ шунингдек, аёллар ва эркеклар орасидаги тенглик кўрсаткичла-

рини танлашда фойдаланиш кўзда тутилган саволлар рўйхатини тақдим этади:

- Манфаатдор томонлар нима учун эркеклар ва аёлларга тегишли маълумотларни алоҳида тўплаш ва ижтимоий ва гендер хусусиятларини таҳлил қилиш муҳимлигини англаб етадиларми;
- гендер бўйича ажратилган маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш учун иштирокчилар ва ижрочиларнинг салоҳиятини кучайтириш зарурми;
- маълумотлар кимга мўлжалланган; иштирокчилар ундан қандай фойдаланишни тушунадиларми ва бу уларнинг эҳтиёжларига мос келадими;
- кўрсаткичлардан фойдаланиш ва тушуниш қанчалик қулай; мавжуд маҳаллий тармоқлар ёрдамида маълумотларни осонгина тўплаш мумкинми;
- Кўрсаткичлар иштирокчиларга янги ҳисобот мажбуриятларини юклайдими ёки мавжуд бўлганларга мос келадими;
- тўпланган маълумотлар аёллар ва эркеклар учун ривожланиш мақсадларига эришилганлигини ва аёллар ва эркеклар, ўғил болалар ва қизлар учун ижобий натижаларда сезиларли фарқлар мавжудлигини кўрсатадими;
- кўрсаткичлар аёллар ва эркеклар иштироки, амалий манфаатлар, натижалар ва оқибатлар каби гендер тенглиги натижаларини миқдорий баҳолашга ёрдам берадими;
- Кўрсаткичлар вақт ўтиши билан эркеклар ва аёллар ўртасидаги муносабатлардаги ўзгаришлар ва тенденцияларни миқдорий жиҳатдан баҳолашга ва бу ўзгаришлар ва тенденцияларнинг сабабларини баҳолашга ёрдам берадими;
- маълумот тўплаш учун ҳам миқдорий, ҳам сифат усуллари қўлланиладими;
- Кўрсаткичларни яратиш учун ижтимоий ва гендер таҳлилдан фойдаланилганми;
- танланган кўрсаткичлар эркеклар ва аёллар ўртасидаги тенгсизликни барта-раф этишга ва улар ўртасидаги тенгликни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш учун ахборот манбаи бўлиб хизмат қиладими.

Иловада гендер тенглиги бўйича ҳаракатлар режаси билан биргаликда фойдаланиш мумкин бўлган кўрсаткичларнинг онлайн манбаларига ҳаволалар рўйхати келтирилган.

³⁷ ОТБ, Гендер тенглиги натижалари ва кўрсаткичлари бўйича воситалар тўплами. (Осиё тараққиёт банки, 2018 йил), 6-бет

³⁸ Ўша ернинг ўзид



5-босқич.

Бюджет ва ҳисобот тизимини яратиш

Лойиҳа бюджетлари ташкилотлар учун аёллар ва эркакларга йўналтирилган сув ресурслари соҳасидаги дастурларининг ижобий натижаларини кафолатлаш учун восита бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бюджетлар табиатан гендерга нисбатан нейтрал сиёсат воситалари бўлмай, турли фаолият шакллари ўртасида молиявий ресурсларнинг нотекис тақсимланишига олиб келиши ва охири-оқибат, гендер билан боғлиқ омилларни ҳисобга олиш бўйича мажбуриятларнинг бажарилишига тўсқинлик қилиши мумкин. Гендер масалаларига йўналтирилган бюджет концепциясини тавсифлашда БМТ-Аёллар ташкилоти бундай бюджет сиёсатининг мақсади аёллар учун алоҳида бюджетлар яратиш ёки фақат аёллар учун дастурларга харажатларни ошириш эмаслигини алоҳида таъкидлайди.

Аксинча, гендер масалаларига боғлиқ бюджетлаштириш давлат ресурсларини тўплаш ва тақсимлашни самарали амалга ошириш ва гендер тенглигига эришиш ва аёлларнинг имкониятларини кенгайтириш учун қулай бўлишини таъминлашга қаратилган. У аёллар ҳуқуқларини мустаҳкамловчи самарали сиёсат ва қонунларни аниқлаш учун чуқур таҳлилга асосланиши зарур. У эркаклар ва аёллар, шунингдек, ўғил болалар ва қизларнинг мавжуд даромадлари, харажатлари ва ажратилган маблағларга бўлган турли эҳтиёжлари ва ҳиссаларини баҳолаш имкониятини беради ва бюджет сиёсатини ушбу барча гуруҳлар манфаатларига мос равишда ўзгартиришни талаб қилади.³⁹

Бюджетлаштиришга бундай ёндашув ташкилот даражасида бир хил даражада қўлланилади.

³⁹ БМТ - Аёллар, Гендерга мос бюджетлаштириш

Қисқартмалар

ОТБ	Осиё тараққиёт банки
СФУ	Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси
СИУ	Сув истеъмолчилари уюшмаси
АҚШ ХТА	АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги
ЖССТ	Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти
ЕТБ	Европа тикланиш ва тараққиёт банки
БМТ ЕИК	Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Европа иқтисодий комиссияси
ЯИФ	Яшил иқлим фонди
ИИЖ	Иқлим инвестициялари жамғармаси
СРКБ	Сув ресурсларини комплекс бошқариш
ННТ	Нодавлат нотижорат ташкилоти
ЕХҲТ	Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти
БМТ	Бирлашган Миллатлар Ташкилоти
ИҲТТ	Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти
ҲР	Гендер масалаларини ҳисобга олиш бўйича ҳаракатлар режаси
ОҲЧР	Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси
ЮНЕП	Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Атроф-муҳит дастури
ЮНИСЕФ	Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси
CGIAR	Халқаро қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари бўйича маслаҳат гуруҳи
EIGE	Гендерлараро тенглик масалалари бўйича Европа институти
PPCR	Иқлим ўзгаришига қарши чидамлилиқни ошириш бўйича тажриба дастури
WECF	Аёллар умумий келажак учун

Адабиётлар

- Asian Development Bank. "Women, Water and Leadership." ADB Briefs (2014). Accessed on January 29, 2020. https://www.womenforwater.org/uploads/7/7/5/1/77516286/2016_adb_women-water-and-leadership.pdf
- Asian Development Bank. "Tool Kit on Gender Equality Results and Indicators." Asian Development Bank (2018). Accessed on January 29, 2020. <https://www.adb.org/sites/default/files/institutional-document/34063/files/tool-kit-gender-equality-results-indicators.pdf>
- Bester, Angela. "Results-Based Management in the United Nations Development System." United Nations Department of Economic and Social Affairs (2016). Accessed on January 29, 2020. <https://www.un.org/en/ecosoc/qcpr/pdf/sgr2016-studies-rbm-8jan2016.pdf>
- Duban, Elisabeth. "Tajikistan: Country Gender Assessment." Asian Development Bank (2016). Accessed on January 29, 2020. <https://www.adb.org/sites/default/files/institutional-document/185615/tajikistan-cga.pdf>
- European Bank for Reconstruction and Development. "How private sector investment can support gender-responsive, climate-resilient development in Tajikistan: Guidance Note." Gender Guidance Note (2019). Accessed on January 29, 2020. https://www.climateinvestmentfunds.org/sites/cif_enc/files/knowledge-documents/gender_guidance_note_web_september2019final.pdf
- European Institute for Gender Equality. "Gender Blindness." Accessed on January 29, 2020. <https://eige.europa.eu/thesaurus/terms/1157>
- European Institute for Gender Equality. "Gender Neutral." Accessed on January 29, 2020. <https://eige.europa.eu/thesaurus/terms/1190>
- European Institute for Gender Equality. "What is gender mainstreaming?" Accessed on January 29, 2020. <https://eige.europa.eu/gender-mainstreaming/what-is-gender-mainstreaming>
- Global Water Partnership. "Integrated water resources management in Central Asia: The challenges of managing large transboundary rivers." Global Water Partnership (2014). Accessed on January 29, 2020. <https://www.gwp.org/globalassets/global/toolbox/publications/technical-focus-papers/05-integrated-water-resources-management-in-central-asia.pdf>
- Green Climate Fund. "Gender Analysis/Assessment and Gender and Social Inclusion Action Plan Templates." GCF (2018). Accessed on January 29, 2020. https://www.greenclimate.fund/documents/20182/574712/Form_09_-_Gender_Assessment_and_Action_Plan_Template.pdf/3f4b8173-fbb2-4bc7-9bff-92f82dadd5c0
- Lefore, N., Weight, E. and Mukhamedova, N. "Improving Gender Equity in Irrigation: Application of a Tool to Promote Learning and Performance in Malawi and Uzbekistan." R4D Learning Series (2017). Accessed on January 29, 2020. http://www.iwmi.cgiar.org/Publications/wle/r4d/wle_research_for_development-learning_series-6.pdf
- March, C., Smyth, I. and Mukhopadhyay, M. "A Guide to Gender-Analysis Frameworks." OXFAM (1999). Accessed on January 29, 2020. <http://policy-practice.oxfam.org.uk/publications/a-guide-to-gender-analysis-frameworks-115397>
- Organisation for Economic Co-operation and Development. "OECD Principles on Water Governance." Centre for Entrepreneurship, SMEs, Regions and Cities (2015). Accessed on January 29, 2020. <https://www.oecd.org/cfe/regional-policy/OECD-Principles-on-Water-Governance.pdf>
- Organisation for Economic Co-operation and Development. "Stakeholder Engagement for Inclusive Water Governance." OECD Studies on Water (2015). Accessed on January 29, 2020. <https://www.oecd.org/gov/stakeholder-engagement-for-inclusive-water-governance-9789264231122-en.htm>
- Organization for Security and Co-operation in Europe. "Aarhus Centres: Water resource management." Accessed on January 29, 2020. <https://aarhus.osce.org/activities/water-resources-management>
- Organization for Security and Co-operation in Europe. "Women, water and security. Environmental activities, Gender equality (2015). Accessed on January 29, 2020. <https://www.osce.org/secretariat/176671>

- Organization for Security and Co-operation in Europe, Gender mainstreaming in Aarhus Activities: A guideline for practitioners (OSCE Secretariat, OSG/Gender Section, 2012), p.15
Accessed on January 29, 2020. <https://www.osce.org/gender/87675?download=true>
- The Office of the High Commissioner for Human Rights (UN Human Rights). "Women's Human Rights and Gender Equality." Accessed on January 29, 2020.
<https://www.ohchr.org/EN/Issues/Women/WRGS/Pages/WRGSIndex.aspx>
- The United Nations Children's Fund. "Gender Equality: Glossary of Terms and Concepts."
UNICEF Regional Office for South Asia (2017). Accessed on January 29, 2020.
<https://www.unicef.org/rosa/media/1761/file/Gender%20glossary%20of%20terms%20and%20%20concepts%20.pdf>
- The United Nations Entity for Gender Equality and the Empowerment of Women (UN Women). "Gender Mainstreaming." Accessed on January 29, 2020.
<https://www.unwomen.org/en/how-we-work/un-system-coordination/gender-mainstreaming>
- The United Nations Entity for Gender Equality and the Empowerment of Women (UN Women). "Guidance Note: Gender Mainstreaming in Development Programming." The UN System Coordination Division of UN Women (2014). Accessed on April 29, 2020.
<https://www.unwomen.org/-/media/headquarters/attachments/sections/library/publications/2014/gender-mainstreaming-issuesbrief-en%20pdf.pdf?la=en&vs=747>
- United Nations Economic Commission for Europe & Organization for Security and Co-operation in Europe. "Project Report: Development off cooperation on the Chu and Talas Rivers." Chu – Talas II (2011).
Accessed on January 29, 2020.
https://www.unece.org/fileadmin/DAM/env/water/Chu-Talas/ChuTalas_II_Project_Report_Short_ENG.pdf
- United Nations Environment Programme, United Nations Development Programme, Organization for Security and Co-operation in Europe, The North Atlantic Treaty Organization.
"Environment and Security: Transforming risks into cooperation." UNEP, UNDP, OSCE, NATO (2005). Accessed on January 29, 2020. http://www.envsec.org/publications/ENVSEC.Transforming%20risks%20into%20cooperation.%20Central%20Asia.%20Ferghana-Osh-Khujand%20area_English.pdf
- United Nations Environment Programme. "Global gender and Environment Outlook."
UN Environment (2016). Accessed on January 29, 2020. <http://wedocs.unep.org/bitstream/handle/20.500.11822/14764/GLOBAL%20GENDER%20AND%20ENVIRONMENT%20OUTLOOK.pdf?sequence=1&isAllowed=y>
- United Nations Water. "Gender-disaggregated Data on Water and Sanitation: Expert Group Meeting Report."
UN-Water Decade Programme on Capacity Development UNW-DPC (2009).
Accessed on January 29, 2020.
<https://www.unwater.org/publications/gender-disaggregated-data-water-sanitation-expert-group-meeting-report>
- United States Agency for International Development. "Monitoring Organizational Capacity Development Efforts." Learning Lab (2018). Accessed on January 29, 2020. <https://usaidearninglab.org/library/monitoring-organizational-capacity-development-efforts>
- W., E. "How taking gender into account can be good for a country's economy." The Economist (2017) Accessed on January 29, 2020.
<https://www.economist.com/the-economist-explains/2017/03/03/what-is-gender-budgeting>
- Women Engage for a Common Future International. "The gender impact assessment and monitoring tool." Women2030 (2018). Accessed on January 29, 2020.
<https://www.women2030.org/wp-content/uploads/2019/01/FINAL-GIM-Tool-Jan-19.pdf>
- World Health Organization. "Integrating gender into HIV/AIDS programmes in the health sector: Tool to improve responsiveness to women's needs." WHO press (2009), Accessed on January 29, 2020. https://apps.who.int/iris/bitstream/handle/10665/43980/9789241597197_eng.pdf;jsessionid=6B6E-599B1A6D6660B-3BC5B4FDCDA5441?sequence=1

Илова.

Ташкилот фаолиятининг гендер жиҳатларини таҳлил қилиш учун материаллар

Гендер таҳлили жадвали

Даража	Меҳнат Ким нима қилади?		Вақт Вақт нимага ва қай тарзда сарфланади?		Ресурсл Ким фойдаланиши ва (ёки) назорат қилиши мумкин?		Мадания фойдаланиш ёки назоратга қандай таъсир қилади?	
	Аёллар	Эркаклар	Аёллар	Эркаклар	Аёллар	Эркаклар	Аёллар	Эркаклар
Уй хўжалиги								
Аҳоли пункти								
СФУ								
Ҳавза уюшмаси								

Oxfam (1999) A Guide to Gender-Analysis Frameworks.⁴⁰

Жадвал оддий умумий андоза кўринишида келтирилган. Қўшимча мисолларни қуйида келтирилган ҳаволаларда топишингиз мумкин.

Гендер таҳлили учун бошқа материалларга фойдали ҳаволалар

World Bank Toolkit for Mainstreaming Gender in Water Operations (2016)
https://www.climateinvestmentfunds.org/sites/cif_enc/files/genderinwater_07_040416_web.pdf

OECD GENDERNET Practice Notes
<https://www.oecd.org/dac/gender-development/44843807.pdf>

World Health Organization Gender Assessment Tool
https://www.who.int/gender/mainstreaming/GMH_Participant_GenderAssessmentTool.pdf

Кўрсаткичларга мисоллар

- UNESCO Overview of resources on gender-sensitive data related to water (2015)
http://www.unesco.org/new/fileadmin/MULTIMEDIA/HQ/SC/pdf/Overview_of_resources_on_gender_sensitive_data_related_t_01.pdf
- UNESCO Sex-disaggregated indicators for water assessment, monitoring and reporting (2015)
https://unfccc.int/files/gender_and_climate_change/application/pdf/234082e.pdf
- OECD Gender Indicators: What, Why and How?
<http://www.oecd.org/dac/gender-development/43041409.pdf>
- OSCE Project Management in the OSCE (2010)
<https://www.osce.org/secretariat/70693?download=true>
- Compass
<https://www.thecompassforsbc.org/how-to-guides/how-develop-indicators>

⁴⁰ C. March, I. Smyth and M. Mukhopadhyay, A Guide to Gender-Analysis Frameworks. (Oxfam, 1999)



Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти сув ресурсларини комплекс бошқариш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш, сувдан фойдаланувчилар уюшмалари ва дарёлар ҳавзаси кенгашларини қўллаб-қувватлаш ва сувни бошқариш амалиётида гендер тамойилларини тарғиб қилиш орқали барқарор сув бошқарувини қўллаб-қувватлайди. Сув ресурсларини бошқариш ЕХХТ ҳудудида ва ундан ташқарида хавфсизлик ва барқарорлик учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, фақат мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик орқали муваффақиятли амалга оширилиши мумкин. Сув ресурсларини бошқаришда кўп тармоқли ва кўп манфаатдор томонларни мувофиқлаштириш учун асос яратиш зарур; Бу ишда нафақат давлатлар, балки фуқаролик жамияти, хусусий компаниялар ва маҳаллий аҳоли ҳам фаол иштирок этиши талаб этилади.

ЕХХТ сув таъминоти соҳасидаги сиёсатининг эркаклар ва аёлларга таъсирини ва янада адолатли ва самарали бошқарувни таъминлаш учун сув муаммоларини ҳал қилишнинг улкан салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда ўзининг сувни бошқариш ва сув дипломатияси фаолиятига гендер тенглиги масалаларини киритишни рағбатлантириш тарафдори.

ЕХХТ минтақадаги сув хўжалиги ходимларига ёрдам бериш мақсадида Марказий Осиёда сувни бошқариш амалиёти бўйича ушбу гендер омилларини эътиборга олиш бўйича қўлланмасини ишлаб чиқди. Сув ресурсларини бошқаришда гендер тамойилларини ҳисобга олиш барқарорлик ва хавфсизликка ҳисса қўшиш орқали самарадорликни ошириши ва ижтимоий номутаносиблик ва кескинликни камайтиришга ёрдам беради. Аёллар ҳам, эркаклар ҳам сувдан қандай фойдаланиш бўйича умумий қарорлар қабул қилган ҳолларда, қарорлар кўпроқ маълум гуруҳлар эҳтиёжларига қаратилган бўлиб, бутун аҳолининг эҳтиёжларига самаралироқ жавоб беради.

Қирғизистон, Фарғона водийси
Марказий Осиё бўйлаб суғориш ва оқува каналлар лабиринтида.
© Carolyn Drake/Magnum Photos



Organization for Security and
Co-operation in Europe

Европада Хавфсизлик ва
Ҳамкорлик Ташкилоти

Wallnerstrasse 6
A-1010 Vienna, Austria
Tel.: +43 1 514 360

pm@osce.org
www.osce.org